

12-20-2018

ECONOMICAL REFORMS ARE UNDER THE GUARANTEE OF THE STATE

R Makhmudov

Gulistan State University, r-mahmudov@umail.uz

B Safarov

Samarkand State University

M Makhmudova

Samarkand State University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik>



Part of the [Higher Education Administration Commons](#)

Recommended Citation

Makhmudov, R; Safarov, B; and Makhmudova, M (2018) "ECONOMICAL REFORMS ARE UNDER THE GUARANTEE OF THE STATE," *Bulletin of Gulistan State University*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 42.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/gulduvestnik/vol2018/iss4/42>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Bulletin of Gulistan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

УДК 372.833

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВЛАТ КАФОЛАТИДА

Р. Маҳмудов*, Б. Сафаров**, М. Маҳмудова**

*Гулистон давлат университети

**Самарқанд давлат университети

E-mail: r-mahmudov@umail.uz

Ҳар қандай мамлакатнинг истиқболи энг аввало унинг иқтисодий ривожини билан белгиланади. Иқтисодиётдаги ривожни эса, ўз навбатида, оқилона, режали равишда олиб бориладиган ислохотларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ислохотлар иложсизлик аломати эмас, балки мамлакатнинг қудрати, унинг захирадаги имкониятларидан дарак беради. Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини камраб олганлигининг гувоҳимиз. Энг муҳими, бу ислохотлар қандайдир бир онда намоён бўладиган шижоат, истак намунаси бўлмасдан, балки раҳбариятнинг пухта ўйланган лойиҳаси, узоқ мўлжалли дастурлари натижаси эканлиги аниқ кўриниб турибди. Ўзбекистоннинг барқарор ва давомли ислохот сари қадам қўяётгани ҳамда юртнинг янги қиёфасини шакллантиришга аҳд қилинганини 2017 йил сентябр ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 72-йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёев айтиб ўтган эди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда янгича шаклланган давлат бошқаруви тизими ўзига хос мундарижа ва тузилишга эга эканлиги билан дунё сиёсатдонлари эътиборини тортмоқда. Бу тизимда давлат раҳбарининг кучли ва ёрқин иқтидори билан демократик тамойиллар уйғунлашуви ўз аксини топган. АҚШ Президенти Дональд Трамп “ўз мамлакати ва унинг ташқарисида ҳам юқори ҳурматга сазовор сиёсатчи” таърифини лозим топган давлатимиз раҳбари иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган чора-тадбирларни режалаштириш ҳамда амалга оширишни 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини шакллантириш ва қабул қилишдан бошлади. “Ҳаракатлар стратегияси” маълум даврга мўлжаллангани учун уни ҳар йили Давлат дастури қабул қилиш орқали ҳаётга татбиқ этиш белгилаб олинган. Бундай тизимли ва аниқ мақсадли фаолиятнинг самараси юқори бўлиши аниқ. Жумладан, юртимизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, қаътий пул-кредит сиёсатини юритиш, ички бозордаги нархлар тизимини тартиблантириш, солиқ-бюджет ислохотларини олиб боришга эътиборнинг кучайтирилиши натижасида миллий валюта-сўмнинг эркин айирбошлаш тизими жорий этилди, захираси 100 миллион долларга тенг ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштириш жамғармаси ташкил қилинди; ташқи савдони эркинлаштириш мақсадида божхона тўловлари ставкалари икки баровар пасайтирилди, баъзи маҳсулотларга нисбатан божхона тўловлари ставкаси ноль даражага келтирилди. Айниқса, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш ва хусусий секторнинг аҳамиятини ошириш борасида салмоқли тадбирлар амалга оширилди. Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ташкил этилиши бу соҳага давлат мададкор эканлигига ишонтиради.

Мамлакатда саноатни модернизация қилиш, янги технологияларни жорий этиш, хом ашёни қайта ишлашга йўналтирилган дастурлар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, ўтган йил давомида 7,5 мингта янги саноат корхоналари ташкил этилиб, шулардан 161 таси замонавий ва йирик ишлаб чиқариш қувватларига эга. Шу даврда 11 та янги эркин иқтисодий зоналар ташкил қилинди ва умумий қиймати қарийб 420 млн. долларлик 100 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси статистика давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 25900 та янги кичик корхона ҳамда микрофирмалар ташкил қилинган ва улардан 22 фоизи, саноат соҳасига оиддир. Айнан шу давр мобайнида экспортга тақдим этилган маҳсулотлар миқдори 131,1 фоиз, бошқа мамлакатлар билан товар айирбошлаш кўлами эса 146,8 фоизга ошган.

Мамлакатда қулай инвестицион муҳит яратиш ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Халқаро миқёсдаги молиявий салоҳияти кучайиб бораётган Ўзбекистон Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон тараққиёти банки, Европа инвестиция банки каби қатор молиявий ташкилотлар билан тўлақонли муносабатга киришганлиги туфайли, уларнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда, турли йўналишлардаги лойиҳаларни ишлаб чиқишга замин ҳозирланди.

Барча эришилаётган ютуқлар замирида ички ва ташқи сиёсатдаги туб ўзгаришлар, ижтимоий ҳаётдаги очикликка, шаффофликка интилишдаги фаоллик туради. Олиб борилаётган ислохотлар ҳуқуқий асосга эга, улар Президент фармойишлари, қарорлари ва қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар воситасида қафолатланган. 2018 йилнинг 5 апрелида Президентимиз иккита муҳим ҳужжатни имзоладилар, булардан бири “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бўлса, иккинчиси “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридир. Бу ҳужжатларнинг иккаласида ҳам давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ҳимоялаш ва бу борада қўйилаётган вазифалар ижроси самарасини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш режалаштирилган. Эслатиш жоизки, айнан олиб борилаётган очик ташқи сиёсат негизда хорижий мамлакатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликнинг янги босқичларига қадам қўйилмоқда, иқтисодий ва ижтимоий–маданий алоқалар кўлами кенгайиб бормоқда.

Фармонда ташқи иқтисодий фаоллик (маҳалий маҳсулотлар экспорти, инвестиция ва илғор технологияларни жалб қилиш, туристик оқим миқдорини ошириш) вазирлик олдида турган муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди.

2018 йил 4 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси хорижий фуқороларнинг кириш тартибини оптималлаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига биноан Ўзбекистонга кириш учун электрон визалар тизимининг жорий қилиниши юқорида эслатилган фармонда назарга тутилган сайёҳлик визасини расмийлаштиришни соддалаштириш чора-тадбирларининг янада такомиллашувига тўртки берди. Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши зудлик ила ўз натижасини бермоқда, зотан жорий йилнинг ўтган ярим йили мобойнида туристик оқимнинг миқдори 2,2 миллион кишига етди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврдаги кўрсаткичига нисбатан 93% юқоридир.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мавжуд солиқ тизимини, унинг бошқарув ва назорат механизмларини тубдан мукаммаллаштириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Шу аснода, 2018 йил 29 июнида «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисида Президент фармонининг эълон қилиниши иқтисодий ҳаётидаги катта воқелик бўлди. Солиқ тизимини халқаро стандартлар талабларига мос равишда ҳамда хорижий экспортлар, халқаро валюта жамғармаси тавсияларини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш назарга тутилган ушбу концепция бандларининг амалиётга татбиқ қилиниши фуқороларни ҳамда юридик шахсларни бир хилда иқтисодий фаолликка, янгидан-янги изланишлар йўлидан боришга ундаши муқаррар.

Иқтисодий–молиявий манфаатдорлик иқтисодий тараққиётнинг муҳим стимули эканлиги барчага маълум. «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятининг янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қароридида 2019 йил 1 январдан бошлаб 790 номдаги товар маҳсулотларига нисбатан акциз солиғи ставкасининг камайтирилишининг қайд этилиши, сўзсиз, тадбиркорлик фаолиятига ундовчи омиллардан бирига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ўз чиқишларида божхона хизматини тубдан такомиллаштириш ва уни халқаро меъёрларга мослаштириш заруратини қайта–қайта эслатиб ўтди. Пировардида, 2018 йил 12 апрелда «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон имзоланди. Мазкур ҳужжат божхона органлари фаолиятини ва божхона бошқаруви тизимини умумий қабул қилинган халқаро нормалар талабларига мувофиқ равишда тубдан яхшилаш мақсадини кўзлайди. Ушбу фармонда, шунингдек, тадбиркорлик ва туризм соҳалари ривожини таъминлаш учун зарур бўлган шароит яратиш назарга тутилмоқда. Қарорда, шу жумладан, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона декларацияларини импорт маҳсулотлари етиб келмасидан олдин тўлдириш ва уларни интернет орқали тақдим этиш ҳуқуқи берилди. 2018 йилнинг 29 июнида имзоланган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятининг янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридида эса божхона солиғининг камайтирилиши ёки баъзи ҳолатларга батамом бекор қилинишига оид бандлар қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти, режалаштирилган ислохотларни амалга оширишда тадбиркорлик фаолиятининг роли алоҳида эканлигини инобатга олиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш сиёсатини давом эттириб келмоқда. Шунга боғлиқ ҳолда, тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш амалиёти икки йил муддатга тўхтатилди (бундан албатта жиной иш очилиши доирасидаги текширувлар истисно). Бундай қафолат Президентнинг 2018 йил 22 январиди қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган режаларнинг “Фаол тадбиркорлик инновацион ғоялар ва технологиялар қўллаб–қувватлаш” йили деб эълон қилинган 2018 йилга мўлжалланган қисмини ҳаётга татбиқ этиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги фармонида муҳрланган.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб–қувватлашга қаратилаётган эътибор ҳақида сўз кетганида хужжатларни расмийлаштириш, лицензиялар бериш амалиётини соддалаштириш мақсадини кўзлайдиган фармонни эслатиб ўтиш лозим. 2018 йилнинг 11 апрелида эълон қилинган «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамоилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 июлда имзоланган «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонлари тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий ҳимояси механизмлари ва ишбилармонлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатларнинг бардавом эканлигидан дарак беради. Мазкур бардавомликни таъминлашнинг ягона йўли иқтисодиётда инновацион тараққиёт йўлидан бориш, юксак технологияларни жалб қилиш, пухта тайёрланган илмий ишланмалардан ҳеч тортинмасдан фойдаланишдир. Давлатимиз етакчисининг 5 майдаги “Фаол тадбиркорлик ва инновацион фаолиятини ривожлантириш учун шарт–шароитларни яратиш бўйича чора–тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора–тадбирлар тўғрисида”ги қарорларида иқтисодий тараққиётни янги сифат босқичига кўтаришга оид аниқ ташкилий–амалий тадбирлар белгилаб берилди.

Инвестицияларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган сиёсат ўз самарасини бермасдан қолмайди. Фақатгина, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистонда 41,2 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилган ва унинг 12,1 фоизини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилади.

Инвестиция муҳитини тўлақонли шакллантириш ва уни мукамаллаштириш инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар, узлуксиз равишда олий даражадаги йиғилишларда муҳакама қилиниб, керакли фармойишлар, қарорлар қабул қилинмоқда, 2018 йилнинг 19 июлида қабул қилинган “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлар шулар жумласидандир. Мазкур қарорлар инвестиция муҳитини яхшилаш сари қўйилган навбатдаги қадам бўлиб, хорижий мамлакатлар бизнес доираларида кенг миқёдаги ижобий таъсир уйғотди.

Инвестициявий лойиҳалар қўлламини кенгайтиришнинг муҳим омиллардан бири венчур молиялаштириш амалиётини йўлга қўйишдир. Венчур молиялаштириш – инвестициявий сармояни иновацион ғоялар, технологиялар, илмий ишланмаларни яратишга жалб қилиш демакдир. Ушбу турдаги инвестиция фаолияти маълум даражада қалтис иш бўлсада, лекин тавваққалчилик ҳам ўзини оқлаб туради ва инвесторлар катта ҳажмга эга бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Венчур молиялаштириш амалиёти Европа мамлакатларида синовдан ўтиб улгурган. Расмий маълумотларга кўра, Европа компаниялари фақатгина 2018 йилнинг биринчи чорагида 4,9 миллиард евро миқдоридидаги венчур инвестицияси маблағига эга бўлади. Европа комиссияси ва Европа инвестиция жамғармаси Venture EU номли янги дастурни молиялаштиришга келишиб олдилар. Швеция, Буюк Британия, Норвегия каби мамлакатларда бу турдаги инвестициялар ҳажми ЯИМ нинг 0,5 фоизини ташкил қилади.

Хулоса қилиб айтганда, дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, инвестиция лойиҳаларни венчур молиялаштиришнинг даври келди. Бунинг учун албатта молиявий ва инвестицияларни жалб қилиш фаолиятларининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, замонавий мобиль онлайн технологияларини, рақамли иқтисодиёт механизмларини ҳаракатга келтирувчи маркетинг тизимини ташкиллаштириш борасидаги тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади. Бундан ташқари, ишбилармонлар, инвесторларида венчур маданиятини шакллантириш, ахборот хизматини йўлга қўйиш ҳам муҳимдир. Умид қиламизки, мамлакат раҳбарияти бу йўналишдаги фаолиятни қўллаб-

қувватлаш, уни амалга оширишни жадаллаштиришга ва кафолатлашга йўналтирилган чора-тадбирлар режасин тез кунларда ишлаб чиқади.

Адабиётлар рўйхати:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Тошкент.: Ўзбекистон, 2014;
- Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
- Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: : “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
- Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент : Ўзбекистон, 2017. -592 б.
- Мирзиёев Ш. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент, 2018.

Аннотация

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ДАВЛАТ КАФОЛАТИДА

Р. Махмудов, Б. Сафаров, М. Махмудова

Мақолада иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорликни роли ҳамда инвестицияни жалб қилиш усуллари, воситалари ҳақида сўз юритилади. Ўзбекистон раҳбарияти бугунги кунда иқтисодий барқарорликни таъминлаш йўлида олиб бораётган сиёсати, қабул қилаётган фармон ва қарорларининг аҳамияти таҳлил қилинган. Инвестиция муҳитини шакллантириш, янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар ҳақида фикрлар билдирилган.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик, инвестиция, инвестиция лойиҳаси, венчур молиялаштириш, Европа инвестиция жамланмаси.

Аннотация

ЭКОНОМИЧЕСКИМ РЕФОРМАМ ГАРАНТИЯ ГОСУДАРСТВА

Р. Махмудов, Б. Сафаров, М. Махмудова

В статье идёт речь о роли развития предпринимательства, о методах и средствах привлечения инвестиций. Автор выражает своё мнение о современной политике руководства Республики Узбекистан по вопросам обеспечения экономической стабильности, о значении принимаемых в связи с этим Указов и постановлений. Отражено отношение автора к вопросам формирования инвестиционной сферы принимаемым нормативным документам по реализации новых проектов.

Ключевые слова: предпринимательство, инвестиция, инвестиционный проект, венчурное финансирование, Европейский инвестиционный фонд.

Summary

ECONOMICAL REFORMS ARE UNDER THE GUARANTEE OF THE STATE

R. Makhmudov, B. Safarov, M. Makhmudova

In this article the role of entrepreneurship in developing economy and the ways of incorporating investments are discussed. Present day policy of the government of Uzbekistan in providing economical prosperity and the significance of newly adopted decrees and enactments are analyzed. Ideas about forming the environment of investment also newly adopting normative documents on the fulfillment of new projects are given.

Key words: entrepreneurship, investment, the project of investment, venture financing, European Investment complex.